



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲИСОБ ПАЛАТАСИ**

**Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан
бюджет интизомига риоя этилишини таъминлашнинг
устувор йўналишлари тўғрисида**



БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та ҳужжати қабул қилинди

27.08.2021 й. ПФ-6300

Давлат молиявий назорати
тизимини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида

14.02.2022 й. ПҚ-128

Давлат бюджети харажатларининг
самарадорлигини янада ошириш ва
давлат молиявий назорати органлари
фаолиятини такомиллаштириш
тўғрисида





ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИНГ ИЖРОСИ УСТИДАН ВЕРТИКАЛ НАЗОРАТ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛДИ

1

2022 йилда **“Давлат аудити”**
дастурий комплекси ишга туширилди

2

Ҳисоб палатасида **Масофавий назорат
маркази** ташкил этилди

3

320 турдаги **хато ва камчиликлар**
классификацияси ишлаб чиқилди

4

Ушбу дастурий комплекслар орқали
автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиб
бориш тизими йўлга қўйилди



БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ БУЗИШ САБАБЛАРИ ВА АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАР



Таҳлилларга кўра, вазирлик ва идораларга ажратилган маблағларни ички назорати ва самарали тақсимотида муаммолар мавжуд



Давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит хизматлари томонидан 2023 йилни ўтган даврида ўтказилган **3 600** дан ортиқ назорат тадбирларида жами **8,4 трлн сўмлик молиявий хатоликлар аниқланган**



I. КАМОМАД, ЎҒИРЛИК, ТАЛОН-ТАРОЖЛИКЛАР ВА НОҚОНУНИЙ ХАРАЖАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ БУЗИШ



1.1. Камомад, ўғирлик ва талон-тарожликлар - ташкилотларда ҳақиқатда ишламаган ходимларга (ўлик жонларга) иш ҳақи, талабаларга эса ортиқча стипендия ҳисоблаш орқали айрим “уддабурон”лар томонидан **ноқонуний ўзлаштирилган**.



Талон-тарожликларга харажатлар сметасидаги асоссиз **ортиқча режалаштирилган** ҳамда вакант ўринлар бўйича бўшаб қолган маблағлар ҳисобидан шаклланган жами **38 млрд сўмлик бўш маблағлар ҳисобига шароит яратилган**



I. КАМОМАД, ЎҒИРЛИК, ТАЛОН-ТАРОЖЛИКЛАР ВА НОҚОНУНИЙ ХАРАЖАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ БУЗИШ



1.2.Ноқонуний харажатларга - асосан бажарилмаган қурилиш ишларини қўшиб ёзиш, юқори нархларни киритиш, чегаравий миқдорлардан ортиқча устама ва рағбатлантиришларни тўланиши орқали йўл қўйилган **ноқонуний ўзлаштирилган**.



Бюджет кодексининг **187-моддаси** талабларига зид равишда (устама ва рағбатлантириш тўловларининг чегаравий миқдорларига риоя этмасдан) **147 млрд сўм ноқонуний** сарфланган.

Масалан, қурилиш объектларида бажарилган иш ҳажмларини қўшиб ёзиш орқали **440 та** назорат тадбирларида қарийб **414 млрд сўм** маблағлар асоссиз ва ортиқча харажат қилинганлиги аниқланган



I. КАМОМАД, ЎҒИРЛИК, ТАЛОН-ТАРОЖЛИКЛАР ВА НОҚОНУНИЙ ХАРАЖАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ БУЗИШ



ПҚ-4555-сон қарорида вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан ходимларга имтиёзли кредитлар ва **фоизсиз ссудаларни ажратиш таъқиқланган** бўлсада, айрим соҳаларда ҳанузгача бунга риоя қилинмаяпти



Яна бир ҳолат - айрим норматив ҳужжатларда бюджет маблағларини **қонуний равишда ортиқча ёки самарасиз сарфланишига сабаб бўлувчи “лазейкалар”** учрамоқда



Барча ҳаракатлар қонун доирасида бўлиши лозим, ваколатни суиистеъмол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!



II. БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДСИЗ ВА САМАРАСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ БУЗИШ

Жорий йилда ўтказилган назорат тадбирларининг 281 таси ёки 8 фоизида



3,1 трлн сўм
мақсадсиз харажат



2,5 трлн сўм
самарасиз харажат



2.1.Тижорат банклари томонидан ажратилган кредит
маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳамда бюджетдан айна
бир мақсадга ажратилган маблағларни **бошқа мақсадларга**
сарфлаб юбориш орқали қўйилган



II. БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДСИЗ ВА САМАРАСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ БУЗИШ



Масалан, Тижорат банкларга ажратилган ресурсларнинг **2,0 трлн сўми** белгиланган **мақсадларда сарфланмасдан**, бирламчи **шахсий эҳтиёжлар** учун зарур маҳсулотларга сарфланган



“Маркетплейс” тизими орқали **1 447 та** таъминотчиларда мавжуд бўлмаган **1,7 трлн сўмлик** маҳсулотлар имтиёзли кредитлар ҳисобига аҳолига гўёки **“реализация қилинган”**

Мисол учун, айрим турдаги маҳсулотларни, жумладан зотдор чорва моллари ва мототранспорт воситаларини импорт ва ишлаб чиқариш ҳажмидан 2-3 баробар кўп миқдори учун “Маркетплейс” тизими орқали имтиёзли кредитлар расмийлаштирилган



III. ОРТИҚЧА РЕЖАЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ НОҚОНУНИЙ ХАРАЖАТЛАР УЧУН МАНБАЛАРНИ СУНЪИЙ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ЁКИ БЎШ МАБЛАҒЛАРНИ ҲИСОБИ ЙЎҚЛИГИ

Назорат тадбирларининг натижаларини таҳлилларига кўра ортиқча маблағлар 3 хил турдаги ҳаракатлар билан шакллантирилмоқда



1. Бюджетни режалаштириш жараёнида йил бошида ортиқча маблағларни сметага киритиб олиш орқали



2. Харажатлар сметасига йил мобайнида ўзгартиришлар киритиш орқали ортиқча маблағ қўшиб олиш орқали



3. Вакант ўринлар ҳисобига бўшаб қолган ва бошқа харажатлар ҳисобидан иқтисод бўлган маблағлар бўйича бўш пул маблағлари



III. ОРТИҚЧА РЕЖАЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ НОҚОНУНИЙ ХАРАЖАТЛАР УЧУН МАНБАЛАРНИ СУНЪИЙ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ЁКИ БЎШ МАБЛАҒЛАРНИ ҲИСОБИ ЙЎҚЛИГИ



Ўтказилган 102 та назорат тадбирларида **359 млрд** сўмлик ортиқча режалаштириш ҳолатлари аниқланган.

Мисол учун, Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига 2024 йилда бюджетидан **530 млрд сўм** режалаштиришда фаолияти тугатилаётган **4 та** жамғарманинг қолдиқ маблағлари ҳисобга олинмасдан **85 млрд сўм ортиқча** маблағлар сўралган.

Сметада ортиқча маблағлар шаклланиши, маблағларни **ноқонуний** ўзлаштиришга шароит яратиб беради.



БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ТЎҒРИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА **ТАВСИЯЛАР**

Адлия вазирлигида 15.12.2014 йилда 2634-сон билан
рўйхатга олинган НИЗОМ га риоя қилиш



Низомга кўра, смета ва штат жадваллари рўйхатдан ўтказилгандан сўнг **бир ҳафта муддатда** вазирлик ва идораларнинг раҳбари ўз тизимидаги ташкилотларда бюджет ва смета-штат интизомига риоя қилинишини таъминловчи **буйруқларини** чиқариши лозим.



Сметага маблағлар киритишда ҳар бир кўрсаткични тўғрилигини ва асослилиги **текшириш**, маблағларни режалаштириш, сметага ўзгартириш киритиш юзасидан ҳар бир соҳани биринчи раҳбари **назоратни кучайтириши** лозим.



БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ТЎҒРИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР



Бюджет маблағларини тақсимлашда **инсон омилини янада камайтириш** мақсадида вазирлик ва идораларнинг ички ахборот тизимларини такомиллаштириш.



Тизимдаги қурилиш ёки таъмирлаш ишларини фойдаланишга қабул қилишда Давлат комиссияси томонидан кўрсатилган камчиликларни **бартараф этилганлигига** алоҳида эътибор қаратиш.



Объектларда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш ва сифатли бажарилиши устидан **назоратни кучайтириш.**



IV. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТМАСЛИК ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ БУЗИЛИШИ

1

Тўғридан-тўғри шартномаларни тузиш орқали давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузиляпти

2

Давлат харидларида манфаатлар тўқнашуви орқали қонунчилик талабларига риоя этилмаяпти

3

Харидларни қиммат нархларда амалга ошириш ҳолатлари кўплаб учрамоқда

4

Харид ҳужжатлари ва шартномаларни белгиланган тартибда экспертизадан ўтказмаслик ҳолатлари мавжуд

5

Харидлар тўғрисидаги маълумотларни яшириш, очиқликдан қочиш ҳолатлари аниқланмоқда



IV. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТМАСЛИК ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ БУЗИЛИШИ

4.1. Тўғридан-тўғри шартнома қилишга интилиш кўп бўлган соҳада бюджет маблағларини **талон-тарожлиги кескин юқори бўлмоқда.**



Давлат буюртмачилари томонидан 2021-2022 йилларда тузилган **352 трлн сўмлик 3 млн** та шартномаларнинг **55%** ёки **195 трлн сўми** (936 мингтаси) **тўғридан-тўғри** тузилган.



Бюджет ташкилотлари харидларининг **58 фоизи** (74 трлн сўм), корпоратив буюртмачиларнинг **70 фоизи** (70 трлн сўм) ва йирик давлат корхоналарининг **41 фоизи** (51 трлн сўм) **тўғридан-тўғри шартномалар** асосида амалга оширилган.



IV. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИШ



**«... бюджет интизомини кучайтириш
бўйича қонунчиликка таклифлар
кiritиш лозим. Бу борада бюджет
маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри
шартномалар тузишга йўл қўймаслик,
очиқ-ошкора танлов ва тендерлар
ўтказиш амалиётини кенгайтириш зарур».**

Ш.М. Мирзиёев



4.1. ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ



Шартномалар танлов йўли билан ўрганилганида, уларнинг **4,2 трлн сўмлик 3205 таси** қонунчилик талаблари бузилган ҳолда расмийлаштирилган.



“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 71-моддасига зид равишда 2021-2022 йилларда **1,7 трлн сўмлик 361 та тўғридан-тўғри шартнома** тузиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, баёнлари ва фишкалари чиқаришга эришилган.



4.1. ТҰҒРИДАН-ТҰҒРИ ШАРТНОМАЛАРНИ ЭНГ КҰП ТУЗГАН СОҲАЛАР

1

Транспорт вазирлиги тизимида

2

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида

3

Сув хўжалиги вазирлигида

4

Соғлиқни сақлаш вазирлигида

5

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида



4.2. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ОРҚАЛИ ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИНИ БУЗИШ

Айрим ҳолларда раҳбарларга тегишли фирмалар орқали харид қилиш **схемаларидан** кўп фойдаланилмоқда.



Рақобат ва холислик принциплари, коррупция ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик талабларини бузган ҳолда **980 млрд сўмлик** шартномалар тузилган.

*Мисол учун, А.Авлоний номидаги педагогларни қайта тайёрлаш институтида **манфаатлар тўқнашувига** йўл қўйилган ҳолда МЧЖ билан **8,5 млрд** сўмлик шартнома тузилган. Бунда, нархлар жами **3 млрд** сўмга **сунъий оширилган**.*



4.3. ХАРИД ҚИЛИНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ НАРХЛАРИНИ СУНЪИЙ ОШИРИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ



Жорий йилда ўтказилган текширишда **40** млрд сўмга **“4-қўлдан”** харид қилинган товарларнинг нархи **55** фоизгача ёки **22** млрд сўмга оширилган



Битта иштирокчи қатнашган танлов қонуний деб топилиб, **19** млрд сўмлик **5** та шартнома **930** млн сўмга **юқори** **нархда** тузилган



4.4. ХАРИД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ШАРТНОМАЛАРНИ ҚОНУНЧИЛИКДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗМАСЛИК



“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга асосан давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишда шартнома ва қўшимча келишувлар Комплекс экспертиза қилиш марказида экспертизадан ўтказилиши лозим



Бироқ **27 та** ҳолатда **212,4 млрд** сўмлик тўғридан-тўғри шартномалар Ҳукумат баёни ва фишкаларида **шартномаларни экспертизадан ўтказилмасдан** деган жумлани киритиш орқали эспертизадан ўтказиш талаби четлаб ўтилган



“Ёшлик” жисмоний тарбия жамияти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли баёнини асос қилган ҳолда қиммат нархда тўғридан-тўғри тузилган шартнома **экспертизадан ўтказилмаган**. Оқибатда **10 млрд** сўм маблағлар **ортиқча сарфланган**



4.5. ХАРИДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЯШИРИШ, ОЧИҚЛИКДАН ҚОЧИШ



Давлат буюртмачилари томонидан **3 трлн сўмлик 1 137 та** тўғридан-тўғри тузилган шартномалар **очиқлик ва шаффофлик** принципига риоя этилмасдан, махсус ахборот порталига **жойлаштирилмаган.**



Масалан, *Тошкент давлат шарқшунослик университети* ўқув корпусларини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича тузилган **37 млрд сўмлик** шартнома қонунчиликка зид равишда **махсус ахборот порталига жойлаштирилмаган.**



4.6. ДАВЛАТ УЛУШИ ЮҚОРИ БЎЛГАН АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРДА МАНФААТДОРЛИККА ҚАРАТИЛГАН СХЕМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ



Акционерлик жамиятлари ўзларига тизим ташкилотни очиб, йирик турдаги харидларини шу ташкилотидан **ПҚ-3953-сон** қарорини асос қилган ҳолда **тўғридан-тўғри** тузилган шартномалар орқали **харид қилишмоқда**.



Маҳаллийлаштириш баҳона қилиниб, харид қийматини карра-карра ошириб **харажат қилаётган** ташкилотлар **назоратга олинган**.



ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

1

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга асосан белгиланган хизмат мажбуриятларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг эҳтимолий рискларини текшириб бориш ва шартномаларни тузишдан **олдин комплаенс назоратидан ўтказиш**

2

Тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат беришни назарда тутувчи таклифларни фармойиш, баён ва фишкалар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш **амалиётини бекор қилиш**

3

Киритаётган ҳужжатларнинг лойиҳаларини Қонунларга мос эканлигини, шу жумладан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 71-моддасида белгиланган рухсат бериш қоидаларига мослигини **текшириб таклифларни киритиш**

4

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда ВМнинг 20.05.2022 йилдаги 276-сонли қарори билан тасдиқланган низомдаги талабларга қатъий амал қилган ҳолда давлат харидлари тўғрисидаги ахборотларни тўлиқ ва ўз вақтида махсус **ахборот порталига жойлаштириб бориш**



V. ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЛОЙИҲАЛАР

Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилаётган назорат тадбирларида давлат ташқи қарзи маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда қатор **жиддий хато ва камчиликлар ҳамда тизимли муаммолар аниқланмоқда.**



Хусусан, Лойиҳа ташаббускори бўлган вазирлик ва идоралар томонидан лойиҳа ҳолати ва **самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича мониторинг ишлари олиб борилмаяпти.**



5.1. ХМИ ИШТИРОКИДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ГУРУҲЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРСИЗ



Халқаро молия институтлари иштирокидаги **89** та лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкил қилинган **59** та лойиҳа гуруҳларида **764** та штат бирлиги мавжуд ва уларнинг иш ҳақи учун йилига ўртача **10** млн доллар сарфланяпти.



*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси бўйича амалий ишлар бошланмаган даврда лойиҳа гуруҳининг харажатлари учун **1,1** млн доллар сарфланган.*



5.2. ХМИ МАБЛАҒЛАРИ САМАРАСИЗ САРФЛАНГАН

Ҳақиқий талабдан келиб чиқмасдан ва етарли мутахассислар билан таъминламасдан ташқи қарз маблағлари ҳисобига харид қилинган ускуна ва махсус техникалар ишлатилмасдан самарасиз туришига сабаб бўлган.



Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида **12,2 млн долларлик** ўқув ва илмий лаборатория ускуналардан **йиллар давомида фойдаланилмаган**.




TOSHKENT DAVLAT
AGRAR UNIVERSITETI
WWW.TDAU.UZ

Масалан, Аграр университетида 2022 йил 12 апрелда етказиб берилган **2,5 млн** долларлик **129 турдаги** “экофизиологик тадқиқот” илмий лаборатория жиҳозлари **бино мавжуд эмаслиги** сабабли фойдаланилмаган



5.2. ХМИ МАБЛАҒЛАРИ САМАРАСИЗ САРФЛАНГАН



“Ўзсувтаъминот” АЖ ташаббускор бўлган “Жиззах шаҳри канализация тизимларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида олинган **279 минг \$лик 3 турдаги** махсус техника 2017 йилдан буён фойдаланмасдан **самарасиз сақламоқда.**




Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказида **92 та** ортиқча енгил автомобиллар мавжуд бўлиб, яна **22 та** енгил автомобил сотиб олишга **211 минг \$** ва **4,9 млрд сўм** асоссиз **ортиқча сарфланган.**



Сув хўжалиги вазирлиги лойиҳалари бўйича **508,0 минг долларлик** томчилатиб суғориш технологияларидан умуман фойдаланилмаганлиги оқибатида **яроқсиз ҳолга келган.**



5.3. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ БАЖАРИЛМАГАН ЁКИ СИФАТСИЗ БАЖАРИЛГАН ИШЛАР УЧУН ОРТИҚЧА МАБЛАҒЛАРНИ САРФЛАШ



“Ўзсувтаъминот” АЖ лойиҳаси доирасида амалга оширилмаган ва қўшиб ёзилган қурилиш ишлари учун **1,1 млн \$** асоссиз тўланган сифатсиз ишлар учун **874 минг \$** тўлаб берилган.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1 000 та тез тиббий ёрдам машинасини етказиб бериш бўйича шартнома доирасида **321 таси етказиб берилмаган.**



5.4. “РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА ВА ЛОЙИХА МУДДАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ



Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида харид жараёнларида **11 та** талабгорнинг таклифлар **расман кирим қилинмаган**.



“Ўзсувтаъминот” АЖ ташаббускор бўлган “Жиззах шаҳри канализация тизимларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида **28,3 млн \$** бўлган **3 та** лот доирасида **Рақобат тўғрисидаги Қонун талабларига риоя қилмаган** ҳолда, пудратчилар танлаб олинган. Оқибатда, четлатилган талабгорлардан **арзонроқ нарх таклифни олиш имконияти йўққа чиқарилган**.



ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

1

Асоссиз нархлар қўлланилишини олдини олиш
мақсадида, контрактларни **экспертизадан**
ўтказилишини таъминлаш

2

ПҚ-3857-сон қарорга ташқи қарз маблағлари ҳисобидан
тузиладиган контрактларнинг муддатини узайтириш
учун асос бўлувчи сабаб ва **мезонларни аниқ**
белгилаш



ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

3

ПҚ-4883-сон қарорга зид равишда лойиҳаолди баҳолаш ёки асоси мавжуд бўлмаган лойиҳалар бўйича қарз битимларини имзоланишига йўл қўймаслик.

4

Самарадорлик кўрсаткичларига эришилганлиги юзасидан маълумотлар жамланиши ва **комплекс таҳлил қилинишини** ягона ахборот тизимини йўлга қўйиш.



VI. ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД БЎЛГАН БАНКЛАРДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАР



Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар расмийлаштирилишида **790 млрд сўмлик** қоидабузарликларга йўл қўйилган.

Дастурлар доирасидаги ресурслар ҳисобидан **73 та** ҳолатда **12,5 млрд сўмлик** кредитлар маҳаллий ҳокимликлар, давлат ташкилотлари ва банк тизими ходимлари томонидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган. Шундан **2 млрд сўми мақсадсиз** сарфланган.

Даромад манбаига эга фуқароларга тегишли **74 млрд сўмлик** кредит қарздорликлари ундирилмасдан, муаммоли кредит сифатида нотўғри таснифланиб, **ҳисобдан чиқарилган**

“Маркетплейс” тизими орқали ҳокимлик ва банк ходимлари ҳамда уларнинг яқинларига тегишли **464 та** таъминотчи корхоналар имтиёзли кредитлар ҳисобига **328 млрд сўмлик** маҳсулотларни сотган.



БАНКЛАРДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

1

имтиёзли кредит олувчиларнинг ариза беришдан кредит ажратилгунга қадар бўлган даврдаги барча босқичлар ўз муддатида бажарилишини **платформа орқали мониторинг қилишни** жорий этиш

2

“маркетплейс” тизимида ноҳалол таъминотчилар реестрини шакллантиришни автоматлаштириш ҳамда солиқ ҳисоботида маҳсулот кирими бўлмаган таъминотчиларни савдолардан четлатиш бўйича тегишли **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш**



БАНКЛАРДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

3

қиймати катта бўлган техникаларни такроран сотилишини ёки маблағларни нақдлаштиришни чеклаш мақсадида уларнинг мотор, двигатель ёки серия рақамини “маркетплейс”га киритиш орқали **мониторингини йўлга қўйиш**

4

ваколатли банклар билан биргаликда кредит қарздорликлари фуқароларни доимий даромад манбаига тўғрисидаги тегишли ахборотларни **автоматлашган тизимлар алмашишни йўлга қўйиш**



VII. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИ

Бюджет кодексининг 46-моддасида консолидациялашган бюджет таркибига бюджет маблағлари билан бир қаторда бюджет ташкилотларининг **бюджетдан ташқари** жамғармалари ҳам киритилган.



2022 йилда **16 трлн** сўм, 2023 йилни 9 ойида **15,4 трлн** сўмлик йиғим ва божлар вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тақсимланган.



Ушбу маблағлар вазирликларнинг раҳбарлари томонидан мустақил равишда тасарруф этилмоқда.
Аксарият ҳолларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган **тўловларга сарфланмоқда.**



ПҚ-4555-сон қарори билан бюджетдан ташқари жамғармалардан ходимларга уй-жой ва автомашина хариди учун фоизсиз ссудаларни ажратиш **бекор қилинганлигига** қарамасдан, айрим вазирликларда бу ҳолат ҳанузгача давом этмоқда.



VIII. МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ

2022 йил якуни бўйича **40 та** (ҳозирда **35 та**) вазирлик ва идораларда мақсадли индикаторларнинг бажарилиши **аудитдан ўтказилди**.

40 та вазирлик ва идоралар масъул бўлган
547 та мақсадли индикаторларининг:

128 таси қисман бажарилган

59 таси умуман бажарилмаган

Айрим вазирлик ва идоралар томонидан индикаторларни асоссиз равишда **ўзгартириш** ҳолатларига йўл қўйилган.

Мақсадли индикаторларнинг бажарилиши **ички аудит хизматлари** томонидан ҳар чорак якуни бўйича баҳолаб борилмаган



VIII. МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ

Бажармаган вазирликлар

Масалан, Маданий мерос агентлигига 2022 йил давомида 2 та мақсадли индикаторларни бажариш учун 75 млрд сўм ажратилган бўлсада, бу маблағларнинг бор-йўғи 30 млрд сўми ёки 40 фоизигина ўзлаштирилган.

Мақсадли индикаторларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаган (маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш орқали 2022 йилда 15 та объектни UNESCO ҳимоясига олиш мақсад қилинган).



VIII. МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТГА ОЛИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР



Мақсадли индикаторлар ижроси юзасидан ҳисобот шаклини (*ягона электрон платформа*) тасдиқлаш ва ҳисобот ижросини тасдиқловчи **ҳужжатлар рўйхатини шакллантириш.**



Мақсадли индикаторларни ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш, ижроси давомида ўзгартиришлар киритиш (маблағларни камайтириш, ошириш, кўрсаткичларни ўзгартириш) **тартибини ишлаб чиқиш.**



ПҚ-73-сон қарорга асосан вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари, мақсадли индикаторлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатган ҳолда **ҳар чорак якуни** бўйича индикаторлар бажарилишини **баҳолаб бориш.**



IX. КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ВА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ



Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматларидаги **233 та** штатлардан **31 таси тўлдирилмаган.**



Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг ички аудит хизматига бор-йўғи **1 та** штат ажратилган бўлса, Энергетика ва Ташқи ишлар вазирликларида ички аудит хизмати **умуман ташкил этилмаган.**



Ташкилотларнинг **20 тасидаги 50 та** штат (15%) вакант, **35 тасида** бошқа вазифаларни бажараётган ходимларга қўшимча равишда комплаенс хизматининг вазифалари юклатилган.



33 та давлат ташкилотида ички назорат тизимида оид идоравий ҳужжатлар **умуман қабул қилинмаган.**



IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ



бўш штат бирликларини билимли ва тажрибали ходимлар билан тўлдириш ҳамда сертификатлаш борасидаги ишларни **тезлаштириш**.



ички аудит ва комплаенс хизматини бевосита ва тўғридан-тўғри биринчи раҳбарга, устав капиталида давлат улуши бўлган ташкилотларда кузатув кенгашига бўйсунishi **тизимини жорий этиш**.



ички аудит хизматларни ташкилотга юклатилган вазифаларни самарали бажаришга ҳамда ички ҳисобдорликни оширишга **тўлиқ жалб қилиш**.



ҳар ойда ички назорат тизими самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда унинг натижаларини раҳбарлар томонидан муҳокама қилиш **амалиётни жорий этиш**.



БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШ



«Халқимизнинг пешона тери билан қанчалик қийналиб топилган бюджет маблағларини талон тарож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ».

Ш.М. Мирзиёев

Эътиборингиз учун раҳмат